



ЎЗКИМЁСАНОАТ
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

2015 йил 7-октябр

2015 йилнинг январь-сентябрь якунлари бўйича “Ўзкимёсаноат” АЖ корхоналари фаолияти тўғрисида

2015 йилнинг январь-сентябрь ойларида “Ўзкимёсаноат” корхоналарида **1646,4** млрд. сўмлик товар маҳсулот (ўсиш суръати 104,1%) ҳамда **150,5** млрд.сўмлик халқ истеъмол моллари (ўсиш суръати 117,7%) ишлаб чиқарилди.

Соф ҳолда **954,6** минг тонна минерал ўғитлар, шу жумладан 734,5 минг тонна азотли ўғитлар, 105,5 минг тонна фосфорли ўғитлар ва 114,6 минг тонна калийли ўғитлар ишлаб чиқарилди.

Маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ 2015 йил январь-сентябрь ойларида **182,2 млрд.сўмлик** маҳсулот ишлаб чиқарилди (прогноз 129,7 млрд.сўм).

2015 йил Инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларни бажариш доирасида “Ўзкимёсаноат” АЖ корхоналари томонидан **121,66 млн.доллар** ҳажмида инвестициялар ўзлаштирилди ва прогноз 100,2%-га бажарилди.

Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперацион биржада тузилган шартномаларга биноан **154 млрд.сўмлик** маҳсулот компания корхоналари томонидан сотиб олинди.

162 янги иш ўрни, шу жумладан касаначилик асосида 46 иш ўрни яратилди.

Худудий «Қишлоқхўжаликкимё» акциядорлик жамиятларидаги мавжуд техникалар ёрдамида қишлоқ хўжалиги корхоналарига 2015 йил январь-сентябрь ойлари давомида **41420,3 млн.сўмлик** агрокимёвий хизматлар кўрсатилди. Жумладан, **1579,6 млн.сўмлик 456 минг тонна** компост тайёрланди ва сотилди, **380,9 минг тонна** органик ва **515** минерал ўғитлар фермер хўжаликлари экин майдонларига етказиб берилди. **1003,9 минг гектар** ғалла ва пахта майдонларида минерал ўғитлар сепилиб, суспензия тадбирлари ўтказилди.

“Ўзкимёсаноат” АЖ матбуот хизмати

source:

"Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти

<https://new.uzkiyosanoat.uz/uz/press/news/2015-yilning-yanvar-sentyabr-yakunlari-buyicha-uzkiyosanoat-azh-korhonalari-faoliyati-tugrisida>